

## Ўзбекистон Президенти Сианьга келди




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасига келди.

Кўҳна Сиань шаҳрининг халқаро аэропортида икки давлат байроқлари кўтарилди, олий мартабали меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортди, миллий қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчисини ХХР маданият ва туризм вазيري Ху Хэпин, Шэньси музофоти губернатори Чжао Ган ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари 18 май кунини ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музокара ўтказди.

19 май кунини Ўзбекистон Президенти "Марказий Осиё - Хитой" биринчи саммитида иштирок этади.



**Манба**